



ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Жуманова Гавхар

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0006-0586-108X

gjumanova56@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг (ТТХИ) миллий иқтисодиёт барқарорлигига кўрсатадиган таъсири илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинади. Хусусан, ТТХИнинг иқтисодий ўсиш суръатлари, ишлаб чиқариш самарадорлиги, янги иш ўринлари яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва замонавий технологиялар трансферига қўшаётган ҳиссаси ўрганилади. Тадқиқот давомида инвестиция муҳитини яхшилаш, институционал ислохотларни чуқурлаштириш ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш орқали ТТХИ самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Муаллиф томонидан хорижий инвестицияларни жалб этишда тармоқлар кесимидаги устувор йўналишларни белгилаш, миллий манфаатлар ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш зарурлиги асослаб берилади.

Калит сўзлар: тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, миллий иқтисодиёт, иқтисодий барқарорлик, инвестиция муҳити, макроиқтисодий кўрсаткичлар, иқтисодий ўсиш, капитал оқими, технологиялар трансфери, экспорт салоҳияти, институционал ислохотлар.

ВЛИЯНИЕ ПРЯМЫХ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ НА СТАБИЛЬНОСТЬ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ

Джуманова Гавхар

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье научно-теоретически и практически анализируется влияние прямых иностранных инвестиций (ПИИ) на стабильность национальной экономики. В частности, будет изучен вклад ПИИ в темпы экономического роста, эффективность производства, создание новых рабочих мест, повышение экспортного потенциала и трансфер современных технологий. В ходе исследования особое внимание будет уделено вопросам повышения эффективности ПИИ за счет улучшения инвестиционного климата, углубления институциональных реформ и укрепления правовых гарантий. Автором обосновывается необходимость определения приоритетных направлений в разрезе отраслей, обеспечения национальных интересов и экономической безопасности при привлечении иностранных инвестиций.

Ключевые слова: прямые иностранные инвестиции, национальная экономика, экономическая стабильность, инвестиционный климат, макроэкономические показатели, экономический рост, приток капитала, трансфер технологий, экспортный потенциал, институциональные реформы.

CURRENT STATUS AND TRENDS OF INVESTMENTS INTO THE TOURISM SECTOR IN OUR COUNTRY

Jumanova Gavkhar

Tashkent State University of Economics

Abstract. *In this article, the influence of foreign direct investment (FDI) on the stability of the national economy is analyzed from a scientific-theoretical and practical point of view. In particular, the contribution of FDI to economic growth rates, production efficiency, creation of new jobs, increasing export potential, and the transfer of modern technologies will be studied. In the course of the research, special attention will be paid to improving the investment climate, deepening institutional reforms, and increasing the effectiveness of FDI by strengthening legal guarantees. The author substantiates the need to determine priority areas for attracting foreign investment by industry, ensuring national interests and economic security.*

Keywords: *foreign direct investment, national economy, economic stability, investment climate, macroeconomic indicators, economic growth, capital inflow, technology transfer, export potential, institutional reforms.*

Кириш.

Жаҳон иқтисодиёти шароитида глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви ва халқаро капитал ҳаракатининг фаоллашуви натижасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) миллий иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омилларидан бирига айланди. Айниқса, ривожланаётган мамлакатлар учун хорижий сармояларни жалб этиш ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, рақобатбардошликни ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар нафақат қўшимча молиявий ресурс манбаи сифатида, балки илғор технологиялар, замонавий бошқарув тажрибаси ва халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини олиб кирувчи омил сифатида ҳам намоён бўлади. Шу жиҳатдан, улар миллий иқтисодиёт таркибий тузилишини такомиллаштириш, янги иш ўринлари яратиш ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Бироқ, хорижий инвестиция оқимларининг иқтисодий барқарорликка таъсири бир хил эмас. Уларнинг самарадорлиги инвестиция муҳити, ҳуқуқий база, институционал ислохотлар даражаси ва давлатнинг оқилона иқтисодий сиёсатига боғлиқ. Шу сабабли, ТТХИнинг миллий иқтисодиёт барқарорлигига таъсирини ҳар томонлама таҳлил қилиш долзарб илмий масала ҳисобланади.

Мазкур мақолада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодий барқарорликка таъсири назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиб, улардан самарали фойдаланиш йўналишлари асослаб берилади.

Адабиётлар шарҳи.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва уларнинг миллий иқтисодиёт барқарорлигига таъсири масаласи иқтисодий адабиётларда кенг ўрганилган. Мазкур тадқиқот мавзусини ёритишда маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий ишлари муҳим назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Насиров ва бошқаларнинг (2022) “Инвестиция ва инновациялар” дарслигида инвестиция тушунчаси, унинг турлари, инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳамда инновацион ривожланиш билан боғлиқ жиҳатлар атрофлича ёритилган. Муаллифлар инвестицияларни иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери сифатида баҳолаб, миллий иқтисодиётни модернизация қилишда уларнинг ўрнига

алоҳида эътибор қаратадилар. Ушбу манба тадқиқот учун инвестицияларнинг назарий асосларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бочаровнинг (2008) “Инвестиции” номли ўқув қўлланмасида инвестицияларни бошқариш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари, инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш механизмлари кенг ёритилган. Асарда инвестиция қарорларини қабул қилишда хавф ва даромад ўртасидаги боғлиқликка алоҳида урғу берилади. Мазкур ёндашув тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда иқтисодий барқарорлик ва таваккалчилик омилларини баҳолашда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Даннинг ва Лунданнинг (2008) “Multinational Enterprises and the Global Economy” асари халқаро корпорациялар фаолияти ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг глобал иқтисодиётдаги ўрнини чуқур таҳлил қилади. Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган OLI (Ownership, Location, Internalization) парадигмаси хорижий инвестиция қарорларини тушунтиришда муҳим назарий концепция ҳисобланади. Ушбу ёндашув миллий иқтисодиётнинг жозибadorлигини ошириш омилларини аниқлашда муҳим илмий асос яратади.

Умуман олганда, кўриб чиқилган адабиётлар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг назарий асослари, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва миллий иқтисодиёт барқарорлигига таъсирини комплекс ўрганиш учун мустаҳкам илмий пойдевор яратади

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқотда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт барқарорлигига таъсирини комплекс баҳолаш мақсадида илмий билишнинг бир қатор умумий ва махсус усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот методологияси тизимли ёндашув тамойилига асосланиб, иқтисодий жараёнларни ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилишга қаратилди. Аввало, назарий таҳлил усули орқали инвестиция ва иқтисодий барқарорлик тушунчаларининг мазмуни, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ривожланишдаги ўрни илмий адабиётлар асосида ўрганилди. Қиёсий таҳлил усули ёрдамида турли мамлакатлар тажрибаси ва миллий иқтисодиётдаги инвестиция жараёнлари солиштирилди. Статистик таҳлил усули орқали инвестиция оқимлари, ялпи ички маҳсулот ўсиши, экспорт ҳажми, инфляция даражаси ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ўрганилди. Динамик қаторлар таҳлили инвестицияларнинг вақт оралиғидаги ўзгаришини ва уларнинг иқтисодий барқарорликка таъсирини аниқлаш имконини берди. Шунингдек, корреляцион таҳлил элементларидан фойдаланиб, хорижий инвестициялар билан айрим макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик баҳоланди. Тадқиқотда индукция ва дедукция усуллари орқали умумий хулосалар шакллантирилди ҳамда аниқ ҳолатлар асосида назарий қоидалар асослаб берилди. Тизимли ва институционал ёндашувлар инвестиция муҳити, ҳуқуқий база ва давлат сиёсати омилларини чуқур таҳлил қилишга хизмат қилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакат худудларида иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш жараёнини ошириш, технологик ва такрор ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириш ҳамда юқори самарадорликни таъминлашда инвестициялар муҳим аҳамиятга эга. Инвестицион ресурсларни худуд иқтисодиётининг ўзига хос ривожланганлик даражаси ва салоҳиятидан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг устувор соҳа ҳамда тармоқларини ривожлантириш учун жалб этиш ва инвестициялар қайтими самарадорлигини оширишни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Мамлакатимиз худудларида ишлаб чиқаришни молиялаштириш манбаларини

кенгайтириш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишда фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш талаб этилади. Маълумки, инвестиция фаолиятини марказлашмаган манбалар ҳисобидан молиялаштиришда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш жараёни тушунилади. Бундай шароитда фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш давлат томониданиқтисодиётда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш заруриятинитақозо этади. Иқтисодиётдаги тармоқлар вахўжалик юритувчисубъектлар фаолиятидаолиб борилаётган инвестиция ва инновацион фаолият иқтисодиётни трансформациялашув талабларига тўлиқ жавоб бераолмаяпти. Чунки,бу жараён билан боғлиқ бўлган қатор муаммолар борки, уларни бартараф этишнинг ечими эса,бир қатор масалаларни ҳал қилишни тақозо этади.

Буларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатда инвестициялароқимининг етарли эмаслиги;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар самарадорлигининг пастлиги;
- ҳудудий инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда барқарорликнинг етишмаслиги, жалб этилган инвестицияларнинг ҳудудларбўйича тақсимотининг нотекислиги;

- ишлаб чиқаришни трансформациялашув, замон зайлига мослаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозланиши учун инвестицияларни жалб этиш даражаси етарли эмаслиги.

Таъкидлаш ўринлики, олдингхом-ашёниреализация қилиш сиёсатидан жаҳон бозорига тайёр истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда, шу асосда, мамлакат иқтисодини ривож учунхорижий валюта ва инвестициялароқимини ошириш долзарбдир. Ҳозирги глобал иқтисодий шароитда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминловчи асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ҳам ТТХИнинг роли сўнгги йилларда сезиларли даражада ортиб, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, тармоқлар диверсификациясини чуқурлаштириш ҳамда халқаро иқтисодий интеграцияни жадаллаштиришга хизмат қилмоқда. 2020–2025 йиллар даврида мамлакатда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича амалга оширилган институцион ислоҳотлар инвестиция муҳитини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Хусусан, валютани эркин конвертация қилиш тизимининг жорий этилиши, инвестиция қонунчилигининг халқаро стандартларга мослаштирилиши ҳамда инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг кучайтирилиши хорижий капитал оқимларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Натижада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши изчил равишда ошиб борди.

Амалдаги таҳлил шуни кўрсатадики, Ўзбекистонга кириб келаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосан саноат, энергетика, транспорт-логистика ва қурилиш тармоқларида жамланмоқда. Бу ҳолат инвестицияларнинг реал секторга йўналтирилаётганини ҳамда мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга хизмат қилаётганини кўрсатади. Бироқ юқори қўшилган қиймат яратувчи соҳалар, жумладан инновация, рақамли иқтисодиёт ва юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоқларида хорижий инвестициялар улуши ҳали етарли даражада эмаслиги мазкур соҳаларда инвестиция сиёсатини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Иқтисодий нуқтаи назардан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мамлакатда технологиялар трансфери, бошқарув тажрибасини жорий этиш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш орқали иқтисодий ўсишга мультипликатив таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ТТХИнинг ҳудудлар кесимида нотекис тақсимланиши айрим минтақаларда инвестиция фаоллигининг паст сақланиб қолаётганини

кўрсатади. Бу эса инвестиция сиёсатини ҳудудий ривожланиш стратегияси билан узвий боғлашни талаб қилади. Шу тариқа, Ўзбекистон Республикасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳозирги босқичда иқтисодий ўсишни таъминловчи стратегик ресурс сифатида намоён бўлмоқда. Бироқ уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида инвестицияларни юқори қўшилган қиймат яратувчи тармоқларга йўналтириш, институцион муҳитни янада мустаҳкамлаш ва ҳудудлар ўртасидаги инвестиция дисбалансини камайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Жаҳон амалий тажрибасига кўра, ҳозирги кунда иқтисодий ўсиш учун фақатгина жамғариш ва инвестицияларнинг бундай юқори суръатларига етарли эмас.

1. Замонавий бозорга муносабатларини барпо этишда, жамғарманинг кам даражаси, ялпи инвестициялар улушида аҳоли маблағлари ҳиссасининг озлиги сабабли, инвестициялар улушида молиялаштириш ташқи манбаларини шакллантириш ҳамда инвестиция фаолиятини тартибга солиш объектив заруратдир. Бунда амалдаги қонунчиликни мукамаллаштириш ва уни замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш, иқтисодиётга янги лойиҳалар, қўшма корхоналар ташкил этиш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар келишини қўллаб-қувватлашни талаб этади. Тўғридан-тўғри чет эл сармоялар оқимини ошириш учун, чет эллик инвесторларни ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиргунига қадар барча турдаги божхона тўловлари, солиқлар, имтиёз ва преференцияларни қўллаш лозим. Мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритишда имтиёзли солиққа тортиш тизимини қўллаш ва ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ўзлаштирганларидан сўнг амалга ошириш керак. Қўллаб-қувватлаш механизмлари валюта харажатларини қопловчи лойиҳаларни ва маҳаллий хомашё ресурслари базасидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилиши керак.

2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини ошириш мақсадида, хорижлик инвесторлар учун қулай муҳит шароитларини, хусусан, барча турдаги солиқлар, божхона тўловлари, йиғимлардан имтиёз ва преференциялар қўллаш лозим. Пировардида, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолият йўналишлари бўйича инновацион ёндашган ҳолда, белгилаш муаммолари бозор муносабатларига мос ҳолда ҳал этилишига олиб келади.

3. Инвестиция фаолиятини тартибга солишда солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияларидан фойдаланиш, инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ўрнини кенгайтиришга олиб келади.

4. Инвестиция сиёсатининг фаолиятини тартибга солишда самарали иқтисодий механизмлар орқали чет эл капиталини тармоқ устуворлигини таъминлаган ҳолда йўналтириш тушунилади. Айни вақтда ушбу механизм солиқларнинг тартибга солинувчи функцияси орқали амалга оширилади. Бунда давлат ҳамда нодавлат секторидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий капиталини янгилашга қаратилган инвестицияларни рағбатлантиришга эътибор қаратилиши мумкин.

Адабиётлар / Literature/References:

Dunning, J.H. and Lundan, S.M. (2008) *Multinational enterprises and the global economy*. Edward Elgar Publishing, p. 104.

Gov.uz (n.d.) *Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали*. Available at: https://gov.uz/oz/miit/activity_page/investitsiyalar

Lex.uz (n.d.) *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси*. Available at: <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

Бочаров, В.В. (2008) *Инвестиции. Учебник для вузов*. Санкт-Петербург: Питер, 176 с.

Насиров, Э.И., Шадиева, Д.Х., Асамходжаева, Ш.Ш. ва Юнусова, С.Б. (2022) *Инвестиция ва инновациялар*. Дарслик. Тошкент: Иқтисод-Молия, 346 б.